БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАШКИЛОТЧИЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГНИНГ ЎРНИ

Ф.Комилова, К.Турғунбоев

В данной статье рассматривается роль педагога в формировании организациторских способностей у учащихся начальных классов.

In this article is discussed the role of the teacher in formulating the organizatori abilities of the pupils in primary schools.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлайдиган янги демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини, хўжаликни бозор талаблари асосларига қўя оладиган, ижтимоий жиҳатдан мўлжални тўғри оладиган, халқаро ҳамжамиятга интеграциялаша оладиган иқтисодиётни шакллантириш асосий мақсад бўлиб қолди. Қўйилган мақсадни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири янги ижтимоий онгни шакллантиришдирки, миллий истиқлол ғоясига асосланган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳам шунга қаратилган.

Баркамол, ҳар томонлама ривожланган шахсни камол топтириш, аввало, инсонда миллий ва умуминсоний маданий бойликларни доимо эгаллаб бориш эҳтиёжини шакллантиришни кўзда тутади. Зеро, айни шу жараён ижтимоий амалиёт ва ижтимоий муҳитда фаол йўналтирилган, мустақил фикрлай оладиган, эркин ва доимо масъулиятни ҳис этадиган шахснинг шаклланишини таъминлайди.

Инсон қачонки ижтимоий аҳамият касб этувчи вазифаларни тўлиқ ўзлаштирса ва ўзининг жамиятдаги ижтимоий, ижодий ўрнини англаб етса, жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатларга кириша олиш қобилиятига эга бўлса, ўшанда шахсда ижтимоийлашув жараёни юз беради ва унинг такомиллашуви тезлашади. Ижтимоийлашув жараёнининг самарадорлигини характерловчи кўрсаткич — инсоннинг ижтимоий жараёнга тўлиқ киришуви, ижтимоий фаоллиги ва йўналганлигидир. Ижтимоий фаоллик деганда биз шахснинг ижтимоий жараёнларда онгли иштирокини ва унинг жамият тараққиётига таъсир қилиш имкониятлари даражасини тушунамиз. Бунинг учун қобилиятли ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан ташкилий ва педагогик шакл, воситаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Белгиланган чора ва тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш жараёнининг фаол иштирокчилари – интизомлилик, мустақил фаолият, ташаббускорлик, ишбилармонлик, мақсадга интилувчанлик каби ташкилотчилик сифатларига эга ёшларни тарбиялаш бугунги таълим муассасалари олдида турган долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Юқорида кўрсатилган ташкилотчилик сифатлари келажакда мутахассис ва шахс сифатида ўзини кўрсатиш учун жуда муҳимдир.

Ташкилотчилик фаолиятига мойиллик – ҳар бир шахснинг ташкилотчилик ишига, у билан шуғулланишга эҳтиёж сезишда намоён бўлади. У инсонда ўзига масъулиятни олиш, дадил ҳаракат қилиш, айтилган сўзга ва ваъдага вафо қилиш, атрофдагиларга, болаларга, ота-она ва ҳамкасбларига талабчан, ҳақгўй ва виждонли муносабатда бўлиш каби сифатларда намоён бўлади. Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш нафақат психологик-педагогик муаммо сифатида, шунингдек, ижтимоий муаммо сифатида ҳам аҳамият касб этади. Болалик, айниқса, ўрта умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари ёши ташкилотчилик сифатларини шакллантириш, энди юзага келаётган мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш каби фазилатларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда ривожлантириш учун катта имкониятлар

даври ҳисобланади. Чунки бу ёшдаги болалар турли фаолият кўринишлари – ўйин, меҳнат, таълим жараёнларида алоҳида ажралиб туради. Бошланғич синф ўқитувчилари ва тарбиячилари асосий эътиборни ўқувчиларнинг турли фаолият кўринишларини системали кузатиш, ўрганиш, мавжуд хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, рағбатлантириш орқали улардаги мустақиллик, ташаббускорлик, мақсадга интилувчанлик сифатларини режали, тизимли йўлга қўйиш, бошқариш орқали мустаҳкамлаб боришга қаратмоқлари керак. Айниқса, тарбиячи-педагог ўз фаолиятида ташкилотчилик сифатлари мавжуд ўқувчиларнинг ўртоқларини эргаштира олиш, топширилган вазифани бажаришда масъулиятни ҳис этиш, бажарилган ишлар ҳақида ўз вақтида ҳисобот бериб бориш, йўл қўйилган камчиликларни тез англаш, тан олиш ва уни бартараф этиш юзасидан ташаббускорлик, мустақиллик кўрсатиш каби сифатларини тезкор тарзда баҳолаш, эътиборга олиш, маълум кўрсатмалар бериб бориш зарурлигини диққат марказида тутиши лозим. Бошланғич синф ўқувчиларида мавжуд ташкилотчилик сифатларини тарбиялаш, асосан, таълим жараёнида амалга ошириб борилади. Бу ўринда, ўқувчининг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйиш жараёнида, педагогнинг ташкилотчилик, бошқарувчилик, ижодийлик, мустақил хулоса чиқара олиш, мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш маҳорати алоҳида аҳамият касб этади.

Қобилиятли, ижодкор шахс – ҳамма вақт ўзига хос индивиддир. Ўқитувчида ўзига хос ташкилотчилик хусусиятларининг мавжудлиги ўқувчи шахсида ижодкорликни, ташаббускорлик, мустақилликни тарбиялашга ўз таъсирини кўрсатиб боради. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос кўринишларидаги асосий белгилар темпераментда (жавоб таъсирининг вақт ва тезликда намоён бўлиши, ўзига хос иш услуби ва тезлиги, ҳиссий барқарорлик), у ёки бу педагогик вазиятларга муносабат характерида, метод танлашда, тарбия воситаларини ажрата олишида, педагогик муаммоли вазиятни ҳал эта олишида, ўқувчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатларига эътибор беришида, хулқий кўринишларда, рағбатлантириш ва жазолаш усулларини қўллашда, объектга психологик-педагогик воситаларни йўналтира олишида намоён бўлади. Ўқитувчи – болалар билан ишловчи, уларнинг дарс ва дарсдан ташқаридаги фаолиятларини ва муносабатларини бошқарувчи субъект ҳамдир. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўзида умумий ва ўзига хос ташкилотчилик сифатларини ривожлантириб бормоғи лозим.

Ташкилотчиликнинг умумий сифатлари деганда ақлнинг амалий ва чуқур мулоҳаза юрита олиши, фаоллик ва ташаббускорлик, қўйилган мақсадга эришишда тиришқоқлик, мураккаб вазиятларда ўзини қўлга ола билиш, уюштира олиш, кузатувчанлик, муомалага киришувчанлик кабилар тушунилади.

Ташкилотчиликнинг ўзига хос сифатлари: ички сезгирлик, хушёрлик, ҳиссий-иродавий таъсир эта олиш, ташкилотчилик фаолиятига мойилликни ўз ичига олади. Педагогик касб ва унга қўйиладиган талаблар ўзгаришсиз қолади, деб бўлмайди. Педагог турли-туман фаолиятлар таъсирида шакллана бориб маълум сифат ва ҳаракатларни шунчаки ташувчи, етказувчи субъект сифатидагина фаолият кўрсатиб қолмасдан, балки, яхлит шахс сифатида маънавий бойлиги, ҳиссиёти ва кўрсатмалари, йўналишлари билан ўзига хос тарзда фаолият юритувчи инсон ҳамдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчи ўзини англаб етиши, ўзига хос хусусиятларини, интилишлари, имкониятлари, камчиликлари ва уларнинг сабаблари, касбий фаолиятнинг ўзига хос томонлари ва муваффақиятга эришиш шартларини, ўзининг устун томонларини, мазкур фаолиятнинг самарали кечишини таъминловчи имкониятлар ва турли йўналишларда кўзда тутилган вазифаларни яхши билиши керак. Бундай имкониятларни ўз касбий фаолиятида очиқ, эркин намоён қила бориб ўқитувчи бу билан ўқувчилар фаолиятида очилмаган ўзига хос хусусиятларни, жумладан, ташкилотчилик фаолияти учун зарур бўлган сифатларни юзага чиқариш, улардан фойдаланиш учун кенг имконият яратилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий психологик ва педагогик тизим, “ўқувчи-ўқитувчи-ўқувчи” муносабатларида объект-субъект-объект ўзаро таъсирини юзага келтиради ва оқибат ўқувчининг ўқитувчидаги ташкилотчилик сифатларини ибрат-намуна тарзида ўзлаштира бориб, ўзидаги шундай сифатларни аниқлаш, намоён этишига шароит яратилади.

Ҳар қандай касбий фаолиятни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири унинг маънавиятидир. Касбий маънавият нафақат шахсий сифат тарзида, балки, касбий тавсифлашда ҳам муҳим кўрсаткич сифатида алоҳида баҳоланади. Педагогнинг маънавий дунёси шундай шахсий сифатки, у инсонни юксак касбий мутахассис эгаси эканлигини кўрсатади. Ўқитувчининг маънавий етуклиги унинг касбий фаолиятининг асосий мезонидир. Шунинг учун ҳам таълим

муассасаларининг мазмуни шахс маънавий ривожланиши асосида белгиланиши керак. Ўқувчиларнинг ҳаётини умуминсоний маънавият асосида йўлга қўйиш орқали ўқитувчи уларнинг дунё маданиятини эгаллаб бориб маънавий бойликларни ўзлаштиришлари учун етарли шарт-шароитлар яратади. Бу, айниқса, бугунги кунда таълимнинг янги, қимматли жиҳатлари очилиб борилаётган бир пайтда жуда муҳимдир. Дунё билан ўзаро боғлиқликни ташкил этиш учун уни бор гўзаллиги билан яхлит кўрсата олиш, инсонни ҳаётий қизиқишлари орқали тасвирлаб беришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Лекин дунё ўзгариб боряпти, у доимий ҳаракатда, бу эса шахснинг атроф-муҳитни баҳолашида, муносабат билдиришида, идеалини аниқлаб олишида маълум қийинчиликларни юзага келтиради. Демак, ўқувчини дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг кечишига тезкор, оқилона, мустақил, ижодий муносабатларни билдиришга тайёрлаш ўқувчида ўз-ўзини, бошқалар фаолиятини бошқариш ва йўлга қўйиш сифатларини тарбиялашда муҳимдир. Янги авлоднинг ривожланиши, мослашуви, ўзини ва бошқаларнинг фаолиятини бошқариши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечимини топишга доим тайёр туриш бугунги кун ўқитувчиси олдидаги асосий вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчидан янги авлод учун дунёни ҳис этиш, кўриш ва англаб етишнинг янги шароитларини излаб топиш ва йўлга қўйишни талаб қиладики, бунинг учун педагог дунёни янгитдан кўра олиши, таҳлил этиши, баҳо бера олиши зарур. Бу борада ўқитувчи касбий фаолиятининг самарадорлиги унинг касбий лаёқатлилиги билан боғлиқдир. Унинг моҳияти эса:

1) тизимли дунёқараш модели ва тафаккурда;
2) пеагогик фаолиятидаги касбий ижодкорликда;
3) янги ахборотлар билан доимий равишда қуролланганликда;
4) фолиятнинг самарадорлиги, муомала ва ўз-ўзини ривожлантиришида;
5) аниқ фанларни ва касбий билимларни пухта эгаллашида намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг мустақил, ижодий билиш жараёнини ташкил этиш ва йўлга қўйишда пайдо бўлган махсус, жумладан, ташкилотчилик сифатларини тарбиялаш, ижодий характердаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ўқитувчи фаолиятида янги восита, усул, шаклларни доимо излаб топишга эҳтиёжни шаклантириш муҳимдир. Шундай қилиб, янги ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадига йўналтирилган ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини шакллантириш учун зарур бўлган педагогнинг лаёқатлилик даражаси, таълим сифатини таъминловчи касбий маҳорати келажакда юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Андижон давлат университети,
2009 йил 20 майда қабул қилинган.
(Тақризчи: доц. А.Тешабоев)